

Байрамга тухфа: Маънавият ва маърифат маскани фойдаланишга топширилди



Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 32 йиллиги муносабати билан Термиз тумани Маънавият ва маърифат маскани фойдаланишга топширилди.

Масканнинг тантанали очилиш маросимида Термиз туман ҳокими ўринбосари Одил Яқубов, Республика Маънавият ва маърифат маркази Сурхондарё вилоят бўлими раҳбари Наргиза Раҳматуллаева, мутасадди ташкилот вакиллари, нуронийлар, истеъдодли ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда сўз олганлар йиғилганларни Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги байрами билан қутлаб, айти байрам шукуҳи кезиб юрган бир вақтда туман Маънавият ва маърифат масканинг фойдаланишга топширилиши туман аҳли учун ҳақиқий байрам тухфаси бўлгани таъкидлаб ўтишди.